

Received: 5 September 2026 Accepted: 10 September 2026 Published: 11 September 2026

Vol. 5 • No. 9 • 2026

ОИЛАВИЙ (МАИШИЙ) ЗЎРАВОНЛИК ЖИНОЯТИНИ СОДИР ЭТГАН ШАХСНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ: МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ТАҲЛИЛИ ВА ТИПАЛОГИЯСИ

Атаназаров Хуршид Наджимович

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари – ИИБ хузуридаги тергов

бошқармаси бошлиғи, полковник

DOI: 10.5281/zenodo.22701512

ABSTRACT: Мақолада 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид расмий статистик маълумотлар ҳамда жиноят ишларини ўрганиш натижалари асосида оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг асосий криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижасида мазкур шахсларни жиноий хулқнинг устувор хусусиятига кўра шартли равишда беш гуруҳга ажратиш таклиф этилган. Шу асосда профилактика чораларини шахснинг хусусияти ва хавф даражасига қараб манзилли ташкил этиш юзасидан илмий-амалий хулосалар ишлаб чиқилган.

Keywords: оилавий (маиший) зўравонлик, жиноят содир этган шахс, криминологик тавсиф, ижтимоий-демографик хусусиятлар, оилавий низо, алкоголь, бандлик, жиноий хулқ, типлаштириш, профилактика

Жиноятчиликнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, жиноий хулқнинг шаклланиш механизмини тушуниш ҳамда самарали профилактика чораларини ишлаб чиқишда жиноят содир этган шахсни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Криминологияда шахснинг жинси, ёши, маълумоти, бандлиги, оилавий ҳолати, ахлоқий-психологик хусусиятлари, аввалги ҳуқуқбузарлик хулқи ва бошқа белгиларини биргаликда таҳлил қилиш жиноятнинг фақат ташқи кўринишини эмас, балки уни юзага келтирган ҳолатларни ҳам англаш имконини беради [1].

Оилавий (маиший) зўравонлик содир этган шахсларни ўрганишда мазкур масала янада мураккаб тус олади. Чунки бу турдаги жиноятларда айбдор ва жабрланувчи, одатда, бир-бири билан оилавий, яқин шахсий ёки маиший муносабатда бўлади. Улар ўртасида ҳиссий боғлиқлик, биргаликда яшаш, умумий фарзандлар, мол-мулкӣ манфаатлар ёки бошқа ўзаро боғлиқликлар мавжуд бўлиши мумкин. Шу сабабли жиноят содир этган шахснинг хулқини оиладаги муносабатлар ва конкрет низоли вазиятдан ажратиб ўрганиш тўлиқ криминологик тасаввур бермайди [2].

Хорижий тадқиқотларда оилавий зўравонлик содир этувчиларнинг психологик ва хулқӣ хусусиятларини турли мезонлар асосида гуруҳлашга уринишлар мавжуд. Д. Даттон бундай шахсларнинг зўравонликка мойил хулқи ва шахсий хусусиятларини ўрганган [3]. А. Holtzworth-Munroe ва G.L. Stuart эса оиладаги зўравонликнинг доираси, оғирлиги, оиладан ташқари агрессия ва антисоциал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бир нечта типларни ажратган [4].

E.W. Gondolfнинг ишларида эса зўравон шахс билан ишлаш дастурларини бир хил шаклда эмас, балки унинг хулқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш заруратига урғу берилган [5].

Миллий криминологияда ҳам жиноят содир этган шахснинг хусусиятлари, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг профилактикасига оид муҳим илмий қарашлар шаклланган. И. Исмаилов ва Қ. Абдурашулова жиноятчи шахсини криминологик ўрганишнинг назарий асосларини ёритган [6]. Б.А. Умирзаков оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларни маҳалла даражасида барвақт аниқлаш ва манзилли профилактика қилиш масалаларига эътибор қаратган [7]. А.Ш. Муродов ҳамда О.А. Хамидовнинг ишларида оилада тазйиқ ва зўравонлик содир этувчи шахсларнинг айрим криминологик хусусиятлари таҳлил қилинган [8, 9].

Шу билан бирга, республика миқёсидаги расмий статистик маълумотлар, жиноят ишлари матери-аллари ва профилактика амалиётини биргаликда таҳлил қилиб, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг умумлаштирилган криминологик тавсифини ишлаб чиқиш ҳамда уларни миллий амалиётга мос равишда типлаштириш зарурати сақланиб қолмоқда. Мазкур мақоланинг мақсади ҳам айнан шу вазифани ҳал этиш, яъни оила-вий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг асосий хусусиятларини эмпирик маълумотлар асосида очиб бериш ва профилактик аҳамиятга эга бўлган шартли типларни таклиф этишдан иборат.

Материаллар ва методлар

Тадқиқотнинг эмпирик асосини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид жиноятчилик бўйича расмий статистик материаллари, оилавий (маиший) зўравонликка доир ўрганилган жиноят ишлари ва суд материаллари, шунингдек мавзуга оид миллий ҳамда хорижий илмий адабиётлар ташкил этди. Расмий маълумотларда жами 2664 нафар оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсга оид кўрсаткичлар умумлаштирилди [10].

Тадқиқот жараёнида статистик таҳлил, қиёсий-криминологик таҳлил, жиноят ишлари материалларини мазмунан ўрганиш, гуруҳлаш, умумлаштириш ва мантикий хулоса чиқариш усулларида фойдаланилди. Шахсларнинг жинси, ёши, маълумоти, бандлиги, муқаддам жиноят содир этган ёки этмаганлиги, ички ишлар органларининг махсус ҳисобларида туриши, маст ҳолатда жиноят содир этиши каби кўрсаткичлар алоҳида таҳлил қилинди.

Бунда статистик кўрсаткичларни сабабий боғланиш сифатида баҳолашдан сақланилди.

Кўрсаткич	Асосий тоифа	Сони	Улуши
Жинс	Эркаklar	2386	89,6 %
Ёш	31–49 ёш	1762	66,1 %
Аввалги жиноий хулқ	Муқаддам жиноят содир этмаган	2342	87,9 %
Махсус ҳисоб	Махсус ҳисобларда турмаган	2596	97,4 %
Мастлик	Маст ҳолда жиноят содир этган	282	10,6 %
Маълумот	Ўрта маълумотли	1715	64,4 %
Бандлик	Норасмий фаолият билан шуғулланган	1967	73,8 %

1-жадвал. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг айрим асосий кўрсаткичлари

Жинс бўйича таҳлилда 2664 нафар шахснинг 2386 нафари ёки 89,6 фоизини эркаklar, 278 нафари ёки 10,4 фоизини аёллар ташкил этган. Йиллар кесимида ҳам эркаklar улуши устун бўлган: 2023 йилда 90,2 фоиз, 2024 йилда 91,3 фоиз, 2025 йилнинг 11 ойида эса 87 фоиз. Шу билан бирга, 2025 йилда аёллар улуши 13 фоизга етгани мазкур жиноят турини фақат эркаklar томонидан содир этиладиган ҳодиса сифатида талқин қилиш тўғри эмаслигини кўрсатади. Бироқ умумий манзарада эркаklar жинсига мансуб шахслар мутлақ устунлик қилмоқда.

Ёш таркибида энг катта улуш 31–49 ёшли шахсларга тўғри келган. Уларнинг сони 1762 нафар ёки 66,1 фоизни ташкил этган. 18–30 ёшлилар 700 нафар ёки 26,3 фоиз, 50–59 ёшлилар 143 нафар ёки 5,4 фоиз, 60 ёш ва ундан катталар 56 нафар ёки 2,1 фоизни ташкил этган. Мазкур натижалар оилавий муносабатлар, меҳнат фаоллиги, иқтисодий масъулият ва фарзанд тарбияси каби масалалар кўпроқ намоён бўладиган фаол ижтимоий ёш даврида зўравонлик ҳолатларининг кўп қайд этилаётганини кўрсатади. Бироқ, бундан 31–49 ёшнинг ўзи мустақил криминоген сабаб экан, деган хулоса чиқариш мумкин эмас.

Жиноий ўтмишга оид кўрсаткичлар алоҳида эътиборга лойиқ. Жами шахсларнинг 2342 нафари ёки

Масалан, муайян ёш тоифаси, ўрта маълумот ёки норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг юқори улуши мазкур белгиларнинг ўзи зўравонликка сабаб бўлади, деган хулосани аниқлатмайди. Бундай хулоса учун жиноят содир этмаган аҳолининг худди шу ижтимоий гуруҳлари билан қиёсий маълумотлар талаб этилади. Шу боис мақолада статистик кўрсаткичлар шахсларнинг умумлаштирилган криминологик тавсифини очиб берувчи белгилар сифатида талқин қилинди [11, 15].

Тадқиқот натижалари

1. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг асосий криминологик хусусиятлари

Расмий маълумотларга кўра, республикада 2023 йилда 692 нафар, 2024 йилда 1069 нафар, 2025 йилнинг 11 ойида 903 нафар шахс оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган. Уч давр бўйича жами 2664 нафар шахсга оид маълумотларни биргаликда таҳлил қилиш ушбу тоифадаги шахсларнинг айрим барқарор хусусиятларини ажратиш имконини берди [10].

87,9 фоизи муқаддам жиноят содир этмаган. Демак, оилавий (маиший) зўравонликни фақат узоқ йиллик жиноий тажрибага ёки барқарор криминал қарашларга эга шахслар хулқи билан боғлаш тўғри бўлмайди. Айрим ҳолларда жиноят аввалдан шаклланган криминал йўналишдан кўра, оиладаги узоқ давом этган зиддият, рашк, ўзаро ишончсизлик, иқтисодий босим ёки бошқа муайян вазият кескинлашиши натижасида содир этилиши мумкин. Халқаро тадқиқотларда ҳам интим шерикка нисбатан зўравонлик хавфи биргина шахсий белги билан эмас, бир нечта омилнинг ўзаро таъсири билан изоҳланади [15].

Ички ишлар органларининг махсус ҳисобларида туриш ҳолати бўйича 2596 нафар шахс ёки 97,4 фоиз махсус ҳисобларда турмаган. 66 нафар шахс профилактик ҳисобда, 2 нафар шахс маъмурий назорат остида бўлган. Мазкур кўрсаткич профилактикани фақат аввалдан маълум ҳуқуқбузарлар доирасида олиб бориш етарли эмаслигини кўрсатади. Оилада тақрорий жанжаллар, таҳдидлар, аввалги мурожаатлар, химоя чораларини бузиш ҳолатлари ва бошқа хавф белгиларини барвақт аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга.

Маст ҳолда жиноят содир этганлар 282 нафар ёки 10,6 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич икки муҳим хулосага олиб келади. Биринчидан, алкоголь

оилавий зўравонликнинг барча ҳолатларини тушунтириб берувчи умумий сабаб эмас. Иккинчидан, муайян низоли вазиятларда алкоголь ўзини назорат қилишни сусайтириб, агрессив реакцияни кучайтирувчи хавф омили бўлиши мумкин. Алкоголь истеъмоли билан интим шерикка нисбатан зўравонлик ўртасидаги боғлиқлик хорижий тадқиқотларда ҳам қайд этилган [13].

Маълумот даражаси бўйича 1715 нафар ёки 64,4 фоиз шахс ўрта маълумотга эга бўлган, олий маълумотлилар эса 303 нафар ёки 11,4 фоизни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичлар, аввало, жиноят содир этган шахсларнинг таркибини тавсифлайди. Таълим даражасининг ўзи зўравонликка олиб келувчи сабаб сифатида қаралиши мумкин эмас. Чунки бундай ҳулоса учун аҳолининг умумий таълим таркиби билан қиёсий таҳлил талаб этилади.

Бандлик ҳолати бўйича 1967 нафар шахс ёки 73,8 фоиз расмий бўлмаган фаолият турлари билан шуғулланувчилар тоифасида қайд этилган. Бу тоифа деҳқончилик, чорвачилик, қурилиш, савдо, ҳайдовчилик, ҳунармандчилик, мавсумий ёки ёлланма меҳнат каби турли фаолиятларни камраб олади. Шу сабабли мазкур тоифани “ишсизлар” деб умумлаштириш нотўғри. Иқтисодий босим, даромаднинг беқарорлиги ёки қарздорлик оилавий низони кучайтириши мумкин, бироқ улар ҳам шахсий ва муносабатларга оид бошқа омишлар билан биргаликда баҳоланиши керак [12].

Юқоридаги маълумотлар асосида оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг умумлаштирилган статистик тавсифида эркаклар, 31–49 ёшлилар, ўрта маълумотлилар, норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, мукаддам жиноят содир этмаган ва махсус ҳисобларда турмаган шахслар устунлиги кўринади. Бироқ бу тавсифни конкрет шахсларнинг жиноят содир этиш эҳтимолини олдиндан белгилайдиган тайёр қолип сифатида қабул қилиш мумкин эмас. У профилактика учун умумий йўналиш беради, ҳолос.

2. Оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларни типологияси

Жиноят содир этган шахсларни типларга ажратиш криминологияда профилактика чораларини шахсларнинг хусусиятига мослаштириш имконини беради. Бироқ типлаштириш инсонни ўзгармас “тоифа”га киритиш эмас. У маълум даврдаги ҳулқ, муносабатлар муҳити ва жиноят содир этилиш механизмида устун бўлган белгиларни шартли равишда умумлаштириш воситасидир. Хорижий тадқиқотларда ҳам оилавий зўравонлик содир этувчилар ягона бир тоифа эмаслиги, улар ўртасида ҳулқ ва хавф даражаси бўйича сезиларли фарқлар мавжудлиги қайд этилган [4, 14].

Республикада 2023–2025 йилларда оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахслар ҳақидаги статистик маълумотлар, тадқиқот давомида ўрганилган жиноят ишлари ва илмий-амалий материаллар умумлаштирилиши мазкур шахсларни шартли равишда беш гуруҳга ажратиш имконини берди. Бунда асосий мезон шахсларнинг жинси ёки ёши эмас, балки жинсий ҳулқнинг қандай шароитда ва қайси устувор хусусият таъсирида намоён бўлганидир.

1. Низоли вазият таъсирида жиноят содир этувчи шахслар. Бу гуруҳга, одатда, мукаддам жиноят содир этмаган, доимий криминал ҳулқга эга бўлмаган, бироқ муайян оилавий низо кескинлашиши натижасида зўравонликка йўл қўйган шахсларни киритиш мумкин. Бундай ҳолатда рашк, ўзаро ишончсизлик, ажралиш масаласи, узоқ вақт давом этган маиший келишмовчилик ёки ҳиссий таранглик жиноят содир этилишига бевосита туртки бўлиши мумкин.

2. Ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар таъсирида зўравонликка йўл қўйувчи шахслар. Бу гуруҳда барқарор даромад манбаининг мавжуд эмаслиги, қарздорлик, меҳнатдаги беқарорлик, оила бюджети юзасидан доимий келишмовчилик ёки иқтисодий қарамлик мавжуд оилавий зиддиятни кучайтирувчи шароит сифатида намоён бўлади. Бунда иқтисодий қийинчиликнинг ўзи эмас, унинг оиладаги муносабатлар ва шахсларнинг психологик ҳолати билан уйғунлашиши аҳамиятли.

3. Алкоголь таъсирида хавфи кучайувчи шахслар. Бу гуруҳга оилавий низо алкоголь истеъмоли таъсирида янада кескинлашиб, шахсларнинг ўзини назорат қилиши сусайиши ва агрессив ҳаракат эҳтимоли ортиши билан намоён бўладиган ҳолатлар киритилади. Мазкур гуруҳни ажратиш алкогольни жиноятнинг ягона сабаби деб баҳолашни аниқлатмайди. Аксинча, у бошқа хавф белгилари билан биргаликда баҳоланадиган ҳолатдир [13].

4. Оилада устунлик ва назоратга интилиш ҳулқи устувор шахслар. Айрим ҳолатларда зўравонлик бир марталик жанжалдан кўра, оила аъзосининг хатти-ҳаракатлари, мулоқот доираси, ишлаши, даромади, телефондан фойдаланиши ёки шахсий қарорларини доимий назорат қилишга интилиш билан боғлиқ бўлади. Бундай шахслар оилавий муносабатни тенглик ва ўзаро ҳурматдан кўра бир томоннинг устунлиги асосида қуришга мойил бўлиши мумкин. Д. Даттон ва бошқа тадқиқотчилар назорат ва ҳукмронликка интилишни оилавий зўравонлик ҳулқини тушунишда муҳим жиҳатлардан бири сифатида кўрсатадилар [3].

5. Барқарор агрессив ва ғайриижтимоий ҳулққа мойил шахслар. Бу гуруҳда зўравонлик фақат муайян оилавий низо билан чекланмайди. Шахсда аввалги ҳуқуқбузарликлар, агрессив ҳулқнинг бошқа муҳитларда ҳам намоён бўлиши, ижтимоий назорат чораларига бепарволик ёки ғайриҳуқуқий ҳулқнинг такрорланиши каби белгилар кузатилиши мумкин. Бундай шахслар билан профилактик ишда хавфни мунтазам баҳолаш ва кучайтирилган назорат чоралари муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу беш гуруҳ бир-биридан мутлақ ажратилган эмас. Масалан, низоли вазият таъсирида жиноят содир этган шахсда иқтисодий босим ёки алкоголь истеъмоли ҳам бўлиши мумкин. Оилада назоратга интилиш барқарор агрессив ҳулқ билан бирга намоён бўлиши ҳам эҳтимол. Шу боис амалиётда типлаштиришда бир белгини эмас, шахсларнинг ҳулқи, оилавий муносабат тарихи, аввалги муносабатлар, жиноят содир этилган вазият ва бошқа аҳамиятли маълумотларни биргаликда баҳолаш лозим.

Шартли гуруҳ	Устувор хусусият	Профилактикада асосий йўналиш
Низоли вазият таъсиридаги	Муайян оилавий зиддиятнинг кескинлашиши	Низони барвақт аниқлаш, психологик маслаҳат, мулоқот кўникмалари
Ижтимоий-иқтисодий қийинчилик таъсиридаги	Даромад, қарздорлик, бандлик ва оила бюджети билан боғлиқ босим	Бандликка қўмак, ижтимоий хизмат, оилавий маслаҳат
Алкоголь таъсирида хавфи кучаювчи	Мастлик фонида ўзини назорат қилишнинг сусайиши	Алкоголь билан боғлиқ хавфни баҳолаш, даволаш ва коррекцион чораларга йўналтириш
Устунлик ва назоратга интилиш хулқи устувор	Оила аъзосининг қарорлари ва хатти-ҳаракатларини доимий назорат қилиш	Хулқни тузатиш дастурлари, жабрланувчи хавфсизлигини таъминлаш
Барқарор агрессив ва ғайриижтимоий хулққа мойил	Агрессив хулқнинг такрорланиши ва бошқа муҳитда ҳам намоён бўлиши	Кучайтирилган назорат, индивидуал профилактика, такрорий хавфни баҳолаш

2-жадвал. Шартли типлаштириш ва профилактикада устувор йўналишлар

Муҳокама

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларни ягона бир “жиноятчи типи”га киритиш илмий жиҳатдан асосли эмас. Улар орасида муқаддам жиноят содир этмаган, махсус ҳисобларда турмаган ва зўравонлиқни муайян низоли вазият таъсирида содир этган шахслар ҳам, агрессив хулқи барқарор тус олган шахслар ҳам учрайди. Бу ҳолат хорижий типологик тадқиқотларда қайд этилган фарқлар билан ҳамоҳанг [4, 14].

Айниқса, 87,9 фоиз шахснинг муқаддам жиноят содир этмагани ва 97,4 фоизнинг махсус ҳисобларда турмагани профилактика учун муҳим ҳулоса беради. Агар профилактика фақат аввал ҳуқуқбузарлик содир этган ёки расман ҳисобга қўйилган шахсларга қаратиладиган бўлса, оиладаги хавфнинг катта қисми эътибордан четда қолиши мумкин. Шу боис такрорий жанжал, таҳдид, рашк асосидаги назорат, аввалги мурожаат, ҳимоя чораларига риоя этмаслик каби ҳолатларни ҳам барвақт хавф белгиси сифатида баҳолаш зарур. Бундай ёндашув интим шерикка нисбатан зўравонлик хавф омилларини комплекс баҳолашга бағишланган тадқиқотлар билан ҳам уйғун [15].

Норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг 73,8 фоизлик улуши ҳам эҳтиёткор талқин қилиниши лозим. Бу кўрсаткични ишсизлик ёки кам даромад зўравонлиқни келтириб чиқаради, деган ҳулосага асос қилиб бўлмайди. Иқтисодий қийинчилик оиладаги тарангликни кучайтириши, қарамлиқни ошириши ёки янги низо предмети юзага келтириши мумкин. Бироқ унинг криминоген аҳамияти шахснинг хулқи, муносабатлар тарихи ва конкрет вазият билан биргаликда намоён бўлади. М. Benson ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам иқтисодий қийинчилик ва ижтимоий ноқулайлик бошқа муносабат омиллари билан биргаликда кўриб чиқилган [12].

Алкогольга оид 10,6 фоизлик кўрсаткич ҳам шу тарзда баҳоланиши керак. Бир томондан, мастлик ҳолати агрессиянинг кучайиши ва ўзини назорат қилишнинг сусайиши билан боғлиқ бўлиши мумкин [13]. Иккинчи томондан, 89,4 фоиз ҳолатда мастлик қайд этилмаган. Демак, оилавий зўравонлиқни асосан алкоголь билан изоҳлаш амалиётни бир ёқлама тушунишга олиб келади. Профилактикада алкоголь фақат бошқа хавф белгилари билан биргаликда баҳоланиши лозим.

Типлаштиришнинг амалий аҳамияти ҳам айнан шу ерда намоён бўлади. Низоли вазият таъсирида жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланадиган профилактика чораси билан барқарор агрессив хулқга эга шахсга нисбатан қўлланадиган чора бир хил бўлиши мумкин эмас. Биринчи ҳолатда оилавий низоли ҳал этиш, психологик ёрдам ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш самарали бўлиши мумкин. Иккинчи ҳолатда эса кучайтирилган назорат, хулқни тузатиш дастури ва такрорий хавфни мунтазам баҳолаш талаб этилади. Зўравон шахс билан ишлаш дастурларининг самарадорлиги ҳам уларни шахс хусусиятларига мослаштиришга боғлиқлиги илмий адабиётларда қайд этилган [5].

Миллий криминологияда профилактиканинг манзилли ва ҳудудий хусусиятига доир ёндашувлар ҳам бундай типлаштириш учун амалий асос беради. Оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалла, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли ва бошқа субъектларнинг ҳамкорлиги муҳимлиги таъкидланган [7]. Шу сабабли типлаштиришнинг мақсади шахсга “ёрлик” қўйиш эмас, балки қайси профилактик чора устувор бўлиши кераклигини асосли белгилашдан иборат.

Бизнингча, оилавий (маиший) зўравонлик содир этган шахсни баҳолашда учта саволга жавоб топиш муҳим:

биринчидан, бу шахсда зўравонлик аввал ҳам кузатилганми;

иккинчидан, конкрет ҳолатни кескинлаштирган асосий вазият ёки муносабат муаммоси нима бўлган;

учинчидан, зўравонлик такрорланишини кучайтирувчи қандай хавф белгилари сақланиб қолган. Ана шу саволлар шахснинг жинси, ёши ёки иш жойидан кўра профилактик қарор қабул қилишда кўпроқ аҳамият касб этади.

Шунингдек, умумлаштирилган статистик тавсифни “криминологик портрет” сифатида айнанлаштириш мумкин эмас. Масалан, 31–49 ёшли, ўрта маълумотли ва норасмий меҳнат билан шуғулланувчи эркак мазкур статистик белгиларга тўғри келиши мумкин, аммо бу унинг зўравонлик содир этиш хавфи юқори эканини ўз-ўзидан аңлатмайди. Криминологик баҳолашда шахснинг хулқи, аввалги зўравонлик тарихи, оилавий муносабатлар, назорат ва таҳдидлар,

мастлик, иқтисодий босим ва бошқа конкрет маълумотлар биргаликда ўрганилиши лозим [11, 15].

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари оилавий (маиший) зўравонлик жиноятини содир этган шахсларнинг криминалогик тавсифи бир нечта ўзаро боғлиқ белгилардан ташкил топишини кўрсатди. Расмий статистикада эркаклар, 31–49 ёшлилар, ўрта маълумотлилар, норасмий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, мукаддам жиноят содир этмаган ва махсус ҳисобларда турмаган шахслар улуши юқори. Бироқ мазкур белгиларнинг ҳеч бири алоҳида ҳолда зўравонликнинг сабаби ёки конкрет шахснинг келгуси хулқини олдиндан белгилайдиган мезон эмас. Улар бошқа шахсий, оилавий ва вазиятга оид ҳолатлар билан биргаликда ўрганилиши лозим.

Биринчидан, оилавий (маиший) зўравонликнинг профилактикасини фақат мукаддам ҳуқуқбузарлик содир этган ёки махсус ҳисобда турган шахслар билан чеклаш тўғри эмас. Такрорий оилавий низо, таҳдид, рашк асосидаги назорат, аввалги мурожаат ва бошқа хавф белгилари профилактик эътиборнинг муштакил асоси бўлиши керак.

Иккинчидан, жиноят содир этган шахсларни жиноий хулқнинг устувор хусусиятига кўра шартли равишда беш гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ: низоли вазият таъсирида жиноят содир этувчилар; ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар таъсирида зўравонликка йўл қўювчилар; алкоголь таъсирида хавфи кучаювчилар; оилада устунлик ва назоратга интилиш хулқи устувор шахслар; барқарор агрессив ва ғайриижтимоий хулққа мойил шахслар. Бу гуруҳлар профилактик чораларни танлаш учун йўналтирувчи мезон вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Антонян Ю.М., Кудрявцев В.Н., Эминов В.Е. Личность преступника. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. – 366 с. <https://litres.com/book/uriy-antonian/lichnost-prestupnika-11252205/read/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 28.12.2025 йил).
2. Оила-турмуш соҳасидаги жиноятлар – криминалогик тадқиқот объекти // Оила-турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда маҳалла ва хотин-қизлар фаолиятининг криминалогик жиҳатлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминалогия тадқиқот институти, 2025.
3. Dutton D.G. The Abusive Personality: Violence and Control in Intimate Relationships. Second Edition. – New York: Guilford Press, 2007. <https://books.google.com/books?id=FKmfAgAAQBAJ> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.03.2026 йил).
4. Holtzworth-Munroe A., Stuart G.L. Typologies of Male Batterers: Three Subtypes and the Differences Among Them // Psychological Bulletin. – 1994. – Vol. 116(3). – P. 476–497. <https://psycnet.apa.org/doi/10.1037/0033-2909.116.3.476> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.03.2026 йил).
5. Gondolf E.W. The Future of Batterer Programs: Reassessing Evidence-Based Practice. – Springer, 2012. <https://link.springer.com/book/10.1007/978-1-4614-2642-5> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.03.2026 йил).
6. Исмаилов И., Абдурашулова Қ.Р. Криминалогия. Махсус қисм: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015.
7. Умирзаков Б.А. «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойили асосида оила-турмуш доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш: Методик қўлланма. – Б. 15.
8. Муродов А.Ш. Оилада хотин-қизларга нисбатан таъйик ва зўравонлик содир этган шахсларнинг криминалогик тавсифи. <https://cyberleninka.ru/article/n/oilada> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 28.12.2025 йил).
9. Хамидов О.А. Оилавий (маиший) зўравонликнинг криминалогик тавсифи ва олдини олиш масалалари. <https://in-academy.uz/index.php/zdift/article/download/19415/13230/17723> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.03.2026 йил).
10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2023–2024 йиллар ва 2025 йилнинг 11 ойига оид жиноятчилик бўйича расмий статистик материаллари.
11. Jewkes R. Intimate Partner Violence: Causes and Prevention // The Lancet. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0140673602098735> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.02.2026 йил).
12. Benson M.L., Fox G.L., DeMaris A., Van Wyk J. Neighborhood Disadvantage, Individual Economic Distress and Violence Against Women // Journal of Quantitative Criminology. <https://link.springer.com/article/10.1023/A:1024037203216> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.02.2026 йил).
13. Foran H.M., O’Leary K.D. Alcohol and Intimate Partner Violence: A Meta-Analytic Review // Clinical Psychology Review. <https://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov/v/18550239/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 09.03.2026 йил).
14. Dutton D.G., Corvo K. Transforming a Flawed Policy: A Call to Revive Psychology and Science in Domestic Violence Research and Practice // Aggression and Violent Behavior. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1359178906000085> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 28.12.2025 йил).
15. Capaldi D.M., Knoble N.B., Shortt J.W., Kim H.K. A Systematic Review of Risk Factors for Intimate Partner Violence //

Partner Abuse. <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC3384540/> (Электрон манбага мурожаат қилинган сана: 15.02.2026 йил).